

Абу Дабида оила қадриятларига бағишланган анжуман бошланди



13:08 / 16.12.2025 634

2025 йил 15 декабр куни Бирлашган Араб Амирликлари Президенти ташаббуси билан 2026 йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан оила қадриятларини мустаҳкамлашга бағишланган халқаро анжуман бошланди. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари бошчилигидаги делегация иштирок этмоқда.

Конференция Қуръони Карим тиловати ва «Оила – халқ юраги» номли видеолавҳа намойиши билан бошланди. Очилиш маросимида БАА Бағрикенглик ва бирдамликда яшаш вазири шайх Наҳаён бин Муборак Ол Наҳаён, Амирликлар Фатво Кенгаши раиси Абдуллоҳ бин Байя, Марокаш подшоҳлиги Вақфлар ва Ислом ишлари вазири доктор Аҳмад Тавфиқ,

Амирликлар Ислом ишлари, вақф ва закот бош бошқармаси раиси, доктор Умар Ҳабтур ад-Диръий, Мавритания фатво кенгаши раиси, доктор Аслам бин Саййид Мустафо, таниқли уламолар, машхур муфтийлар ва илмий-тадқиқотчилар каби 300 нафардан зиёд иштирокчи қатнашди.

Сўзга чиққан нотиқлар Ислом динида оила мустаҳкамлигига катта эътибор қаратилиши баробарида бугунги кунда оила масаласига янада жиддий аҳамият қаратишга катта урғу беришди.

Жумладан, шариат буюрганидек, инсон насл-насабини сақлаш, силаи раҳм қилиш, ота-онани эъзозлаш, жуфти ҳалолига эътиром кўрсатиш, фарзандларни яхши тарбиялаш сингари муҳим вазифаларни кенг тарғиб этиш, ҳозирги хавф-хатарлар даврида оилани мустаҳкамлаш, унинг жамият ривожигаги ўрни, бирдамлик манбаи эканини тушунтириш каби масалалар ҳақида сўз борди.

Шунингдек, рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ривожланган паллада оилавий ришталарни муҳофаза қилиш ва мазкур тараққиёт имкониятларидан унумли фойдаланиш зарурлиги, давр талабидан келиб чиққан ҳолда замонавий таҳдидларга жавоб берадиган, оила қадриятларини асраб-авайлайдиган, унинг саодатини таъминлайдиган долзарб фатволар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Анжуман давом этмоқда.